

**XXI АСРДА БИОЛОГИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШ  
ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА УЛАРДА  
ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ**



**ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ БИОЛОГИИ  
В XXI ВЕКЕ И ЗНАЧЕНИЕ В НИХ  
ИННОВАЦИЙ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ  
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**XXI АСРДА БИОЛОГИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ  
ВА УЛАРДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ**

**Биология ва уни ўқитиш методикаси кафедраси профессори Хударган  
Мавлонов таваллудининг 75 йиллигига бағишланган**

**Республика илмий анжумани материаллари  
(2021 йил 15 апрель)**

**ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ БИОЛОГИИ В XXI ВЕКЕ И  
ЗНАЧЕНИЕ В НИХ ИННОВАЦИЙ  
МАТЕРИАЛЫ**

**Республиканская конференция, посвящённая к 75-летию профессора  
кафедры биологии и методики её преподавания Хударгана Мавлонова  
(15 апреля 2021 года)**

**Жиззах-2021**

**УДК: 581.5 (09)**

**ББК: 28.58 Г**

**Э-59**

**“XXI асрда Биологиянинг ривожланиш истиқболлари ва уларда инновацияларнинг аҳамияти” мавзусидаги республика илмий анжумани материаллари**

Жиззах 2021. – 498 бет.

**Таҳрир хайъати:**, проф. п.ф.д. Ш.С.Шарипов, таҳрир хайъати раиси б.ф.н. доц. Қодиров Ғ., таҳрир хайъати ўринбосари проф., б.ф.д. Раҳмонқулов У. доц., б.ф.д. (PhD) Азимова Д.Э. б.ф.д. (PhD). Авалбоев О.Н. б.ф.д. (PhD). Абдуллаева Н.С. б.ф.д.(PhD). Ҳамраева Н.Т. Усанов У.Н.

**Тўплам редакторлари:** б.ф.д.(PhD)., доц. Азимова Д.Э., б.ф.д.(PhD). Авалбоев О.Н., б.ф.д.(PhD). Ҳамраева Н.Т.

*Ушбу тўплам Жиззах давлат педагогика институтида 2021 йил 15 апрелда бўлиб ўтган Республика илмий анжумани материалларидан иборат.*

*Уларда флора, систематика ва юксак ўсимликлар географияси, биологикхилма-хилликни ўрганиш ҳамда ноёб, йўқолиб бораётган ўсимлик ва ҳайвон турларининг муҳофазаси, ўсимликлар қоплами, ресурсларини ўрганиш, структуравий ботаника, экология, интродукция, сув ва қуруқлик ценозлари ҳайвонларни ўрганиш, паразитлар ва энтомокомплекслари шакллантирувчи, ҳаракатлартирувчи тадқиқотларнинг замонавий муаммолари бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.*

*Мақолалар тўплами илмий ҳодимлар, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахасислар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчи, талабалари ҳамда тадқиқотчилар учун мўлжалланган.*

**Мазкур тўплам Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг 2021 йил 2 мартдаги 78-Ф-сонли фармойиши асосида нашрга тавсия этилган.**

<i>Mesocestoides lineatus</i>	-	+	+
Трематодалар			
<i>Dicrocoelium dendriticum</i>	+	+	+
Акантоцефаллар			
<i>Moniliformis moniliformis</i>	-	+	+
Нематодалар			
<i>Syphacia obvelata</i>	-	-	+

Тадқиқот ишида Жиззах вилояти ҳудудларидаги кемирувчилар (Rodentia) туркумига мансуб 5 оила 7 турга мансуб 177 нусха кемирувчилар гельминтофаунасининг экологик-фаунистик таҳлили қилинган ва 44 (24,8 %) индивид кемирувчида зарарланиш кузатилди. Кемирувчилар цестодалар синфига мансуб 11 тур, трематодаларнинг 2 тури, акантоцефалларнинг 1 тури ва нематодаларнинг 19 тури билан зарарланиши қайд этилди.

#### **Фойдаланиладиган адабиётлар:**

1. Адышева М.М. Материалы по гельминтофауне грызунов Паркентского заповедника // Узб. биол. журн., -Ташкент, 1962. №6. -С. 25-28.
2. Кашкаров Р.Д., Митропольская Ю.О., Грицына М.А., Тен А.Г., Абдураупов Т.В. Видовой состав и распределение наземных позвоночных животных Ташкентской области. –Ташкент: Фан, 2019. –С. 70.
3. Рыжиков К.М., Гвоздев Е.В., Токобаев и др. Определитель гельминтов грызунов фауны СССР. Нематоды и акантоцефалы. –Москва: Наука, 1979. – 272 с.
4. Скрыбин К.И. К фауне паразитических червей пустынь и степей Туркестана // ТР. Гос. Ин-таэкспер. Ветер. –Ташкент, 1924. Том 2. Вып. 1. – С. 78-91.
5. Султанов М.А. Паразитофауна диких животных южных Кызылкумов // Тез. докл. 9-го совещ. по паразитол. пробл. – М.: Изд-во АН СССР. 1957. – С. 243-244.
6. Хамрокулова З.Х. Ўзбекистоннингшимоли-шарқийминтақасикемирувчилар (Rodentia) туркумининггельминтофаунаси, экологиясиваахамияти: Автореф. дис. б.ф.ф.д. (PhD). –Тошкент, 2020. – 46 с.

#### **ЗОМИН ДАВЛАТ ҚЎРИҚХОНАСИ ҲУДУДИДА УЧРАЙДИГАН FERULA L. ТУРКУМИ ТУРЛАРИ**

**О.Н. Авалбаев, М.А. Маматқобилова,  
З. Марданов, Н.Ў. Эркинова  
Жиззах давлат педагогика институти**

Дунёда биологик хилма-хилликни сақлаш, ўсимликлар оламини муҳофаза қилиш ҳамда улардан оқилана фойдаланиш глобал муаммолардан бири ҳисобланади. Шу сабабли, ўсимлик турларининг биоэкологик хусусиятларини ўрганиш, интродукция ишларини олиб бориш, муҳофаза қилиш чораларини ишлаб чиқиш, ноёб ва камайиб бораётган турларини аниқлаш ва уларни сақлаб қолишга алоҳида эътибор

қаратилмоқда. Бу ўринда эфир мойли, ем-хашак, асалчил, шифобахш, смола сакловчи, ароматик, озукабоп ва техника ўсимлиги сифатида қўлланиладиган *Ferula L.* туркуми турлари алоҳида аҳамиятга эга.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини, минерал сувлар ҳамда табиат ёдгорликларини сақлаш учун экологик, илмий, маданий, эстетик, санитария соғломлаштириш аҳамиятига эга. Ушбу ҳудудлар давлатнинг тегишли органлари томонидан қонунда белгиланган тартибда табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация, тарихий-маданий мақсадлар учун ажратиб берилган ер майдонлари тушунилади.

Зомин давлат қўриқхонаси Жиззах вилоятининг Бахмал ва Зомин туманлари ҳудудида жойлашган бўлиб, Бахмал ўрмон хўжалиги, Бахмал фермерлар уюшмаси, Зомин ўрмон хўжалиги, Зомин миллий табиат боғи ҳамда Тожикистон Республикаси билан чегарадош, майдони 26840 га ни ташкил этиб, шундан 22137,3 га ўрмон билан қопланган.

Ноёб арчазорларни ҳамда ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини табиий ҳолда сақлаш мақсадида 1928 йил Зомин тоғ арчазорлари давлат қўриқхонаси ташкил этилган бўлиб, ўзига хос табиий ландшафт, ажойиб ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига эга.

Қўриқхона денгиз сатҳидан 1700-4029 м баландлик жойларни ўз ичига олади. Ҳудуднинг жанубий қисми Туркистон тоғ тизмасининг тик жарликларидан, шимолий қисми бироз текисроқ рельефли супалардан иборат бўлиб, мергел ва лёссуглинкасимон тупроқ қатламлари билан қопланган.

Қўриқхона ҳудудида Зоминсув ва Сангзор дарёларининг ирмоқлари ҳисобланган Кўлсой ва Гўралашсойлари оқади.

Иқлими кескин континенталь, ёгингарчиликнинг ўртача кўрсаткичи 405 мм ни ташкил этади. Ёзги ҳароратнинг юқори даражаси +33 +35 °С июль ва август ойларида, декабрь-январь ойларида эса -15 -20 °С ҳароратга тушади.

Зомин Давлат қўриқхонаси ҳудудида ўсимликларнинг 105 оила 531 туркумга мансуб 1216 тури учраб, шундан 21 тури Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган (Эсанкулов, 2012).

Республикамизда фармацевтика ва қишлоқ хўжалиги соҳасида кенг қамровли ислохатлар олиб борилиб, доривор ўсимликлар хом ашё базасини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чоратadbирлар асосида муайян натижаларга, жумладан, *Ferula L.* туркуми турларидан “Паноферол”, “Тэфэстрол”, “Куфэстрол” ва “Ферулен” дори препаратлари яратилди ҳамда ишлаб чиқарилди.

МДХ мамлакатларида *Ferula L.* туркуми айрим турларининг систематикаси, карпологияси, экологияси ва тарқалиши Е.П. Коровин (1947), М.Г. Пименов ва б. (1978), Л.К. Сафина (1984) ва бошқаларнинг ишларида акс этган. Ўзбекистонда *Ferula L.* туркуми турларининг биологияси, захиралари У. Раҳмонкулов (1981), С. Мелибоев (1985), Х.А. Нишонбоева (1972), И. Муқумов (1993), анатомияси, цитоэмбриологияси А.А. Бутник ва б. (2009), М.Х. Богдасарова (1990), С.С. Назруллаева ва б. (2008), кимёвий ва фармакологик хусусиятлари В.М. Маликов (1998), А.И. Саидходжаев (1984), Г.К. Никонов (1971) лар томонидан ўрганилган.

*Ferula L.* туркуми турлари *Apiaceae* Lindl. оиласида энг кўп (180-185) турга эга бўлиб, Зомин давлат қўриқхонаси ҳудудида 10 тури учрайди.

*F. diversivittata* Regel et Schmalh. монокарп ўсимлик. Илдизи цилиндрсимон. Пояси 1,5 м гача борадиган, бўғими шишган, ўртасидан ёки пастидан кенг овалсимон мураккаб шингил бўлиб шохланадиган, шохлари ёйсимон эгилган, пастдагилари навбат билан, юқоридагилари ҳалқасимон жойлашган. Соябони ҳар хил, охири 15-20 (30) нурли, жуда қисқа тугунчали, кенглиги 8 см гача, ён томондагилари узун тугунчали. Соябонлари 15-20 гулли, ўрама баргли, ланцетсимон баргчалар жойлашган. Гулкосачалари учбурчак-ланцетсимон тишли. Гултожибарглари сарик, овалсимон, ичкарига эгилган, узунлиги 1,2 мм, устунча ости кўтарилганда киррали кенгайган. Мевалари овалсимон, ясси кенг, узунлиги ва кенглиги 10x6 мм, қовургалари ипсимон, эгатдаги каналлари кенгрок, битта, ён томондагиларида 6 тадан. Май ойида гуллайди, июн ойида уруглайди.

*F. kuhistanica* Korovin монокарп ўсимлик. Пояси йўгон, оқиш-яшил, 1,0 м баландликгача боради. Барглари юмшоқ, тезда қурийдиган, юқори қисми туксиз, пастки қисми тукли, мустаҳкам банди охири юмалоқ, чўзинчоқ овалсимон, асоси тармокланадиган, бутун киррали. Соябони овалсимон, охиргилари ўтроқ, 25 нурли, кенглиги 10 см гача, нурларининг охирлари йўгонлашган, ёнидагилари узун тугунчали, 3 жойда жойлашган. Соябонлари 15 гулли, ўрама баргсиз. Гулкосачаси тишчали, кичик учбурчаксимон. Мевалари ясси сиқилган, эллипссимон, сарик, кенг узунлиги ва кенглиги 20x11 мм. Мева тугунчаси ҳар хил йўгонликда, қовургалари ипсимон, ён юзаларида 2-4 та. Июн, июль ойларида гуллайди, июль, август ойларида уруглайди.

*F. kokanica* Regel et Schmalh. монокарп ўсимлик. Илдизи баъзан йўгонлашган. Пояси ўртача қалинликда, узунлиги 1,0 м гача, юқори қисми овалсимон мураккаб шингил тарзда шохланган. Барглари оқиш, тезда сўлийдиган, пастки томони тукли, илдиз бўғзидагилари уч япрокли, узунроқ бандли, бўғимлари патсимон қирқилган, охирги учлари узунчоқ эллипссимон, асоси илдизловчи, учи юмалоқрок, баъзан чуқур ўйилган, ўткир арра тишли. Узунлиги ва кенглиги 7-9x2-3 см, поясининг фақат пастдагилари япроқчали, юқоридагилари овалсимон, бутунлай поясини ўраган новдан иборат. Соябони ҳар хил, охири ўтроқ, 8-16 нурли, кенглиги 5-8 см, ёнидагилари 1-2 тадан жойлашган, охири соябон билан тугайди. Соябонлари 10-15 (25) тадан гуллар жойлашган. Гулкосачаси қисқа тишсимон. Гултожибарглари чўзинчоқ овалсимон, сарик ичкарига қайрилган, узунлиги 2 мм. Мевалари сарик, тукли, овалсимон узунлиги ва кенглиги 10x5 мм, ипсимон қовургалари, каналларининг устки юзаси тукли, ҳар бир эгатчаси 4-5 та, ён томондагилари 10 та. Май, июнь ойида гуллайди, июнь, июль ойларида уруглайди.



*Ferula angrenii*

*Ferula penninervis*

*Ferula helenae*

*F. samarkandica* Korovin монокарп ўсимлик. Илдизи бир неча кенгайган ёнларида шохланган. Пояси сариқ-яшил, қалин бўлмаган, баландлиги 1,0 м гача борадиган, ўртасидан узунчоқ овалсимон мураккаб шингил бўлиб шохланади. Барглари юмшоқ, тезда сўлийдиган, юқоридагилари ўтроқ, пастдагилари гадир-будир, илдиз бўғзидагилари уч карра қирқилган. Пояси кичикроқ япрокли, юқоридагилари овалсимон-ланцетсимон шаклли, новлари бироз кенгайган. Соябони ҳар хил, охири ўтроқ, 8-14 (20) нурли, кенглиги 5-7 см, ёнидагилари 2-5 жойга тўпланган. Соябонлари 10-15 гуллари бир неча пардасимон ўрама баргчали, барглари сўлийдиган. Гулкосачаси учбурчакли тишсимон. Гултожибарглари сариқ ўрта томирли, ўткир, ичкарига буралган. Тугунчаси кенгайган, ясси, четлари йўгонлашган тумшукчали. Мевалари зайтун рангли, овалсимон, тукли, қисқа, узунлиги 7-10 мм, қовургалари ипсимон, ҳар бир эгатдаги каналлари 3-4 тадан, ёнидагилари 9 тадан. Май ойида гуллайди, июн ойида уруглайди.

*F. penninervis* Regel et Schmalh. поликарп ўсимлик. Пояси 70-100 см баландликда. Илдиз бўғзидаги барглари ромбсимон-овалсимон, уч карра вирвилган, тез сўлийдиган, бирламчи сегментлар кўп қиррали - (6), ланцетсимон чизиқли қирқилган. Соябони яримшарсимон, ҳар хил, 10-15 гулли, ўрамасиз. Гуллари сариқ, узунчоқ овалсимон тожибарглари ва қисқа учбурчакли гулкосачабарглари бўлади. Мевалари узунчоқ овалсимон 10-13x6 узунликда ва кенгликда. Эгатларида каналлар биттадан кенг, ён томондагилари тадан. Июнь ойида гуллайди, июль, август ойларида уруглайди.

*F. angrenii* Korovin поликарп ўсимлик. Илдиз бўғзидан шохланади. Пояси 1,0 м гача, ингичка, ўртаданшохланадиган, пастдан навбат билан, юқоридагилари бир неча ҳалқасимон жойлашган. Барглари кулранг тукли. Соябони ҳар хил охири қисқа тугунчали, 8-12 нурли, узунлиги 4 см, ёнидагилари биттадан, Соябончалари 10 гулли, ўрамасиз. Мевалари узунчоқ овалсимон, қирралари текис, узунлиги ва кенглиги 10-11x5,5 мм, қовургалари ипсимон, эгатда каналлари биттадан кенгрок, ён томондагилари 2 тадан. Май ойида гуллайди, июнь ойида уруглайди.

*F. ovina* (Boiss.) Boiss. поликарп ўсимлик. Пояси мустаҳкам, бўғими бироз кенгайган, узунлиги 50 см гача, юқори қисмидан шохланган, пастки қисмида навбат билан, юқори қисмидан ҳалқасимон шохланган. Барги узоқ сўлимайдиган, қурук шароитда мустаҳкам. Соябони ҳар хил, 3-10 нурли, узунлиги 4-6 см, ёнидагилари узун тугунчали. Соябони 7-10 гулли, ўрамасиз. Гулкосачабарги майда тишли, гултожибарглари сариқ, эллипссимон. Меваси эллипссимон, тукли, узунлиги 7-10 мм, қовургалари ипсимон, эгатдаги каналлари биттадан, кенг, шишган, ён томондагилари 4-8 тадан. Май, июнь ойларида гуллайди, июнь, июль ойларида уруглайди.

*F. dshizakensis* Korovin поликарп ўсимлик. Илдизи цилиндрсимон. Илдиз бўғзи толали ва ўтган йилги барг қолдиқлари бўлади. Пояси ингичка, мустаҳкам, бўғимлари бироз кенгайган, юқори қисми кам шохланган. Барглари тез сўлимайдиган, мустаҳкам тукли, илдиз бўғзидагилари қисқа, банди мустаҳкам ва йўгон, барг япроги ромбсимон, уч карра қирқилган. Соябони ҳар хил, охири деярли ўтроқ, 5-10 нурли, узунлиги 4,0 см гача, ёнидагилари 1-3 та узун бандли, соябончалари 10 гулли, гултожибарглари сариқ, овалсимон. Меваси тескари тухумсимон, қовургалари букилган, каналлари тор, ҳар бир эгатда 2-3 тадан, ён томондагилари 8 тадан. Апрель ойида гуллайди, май ойида уруглайди.

Хулоса қилиб айтганда, Зомин давлат кўрикхонаси ҳудудида *F. diversivittata* Regel et Schmalh., *F. kuhistanica* Korovin, *F. kokanica* Regel et Schmalh., *F. samarkandica* Korovin, *F. penninervis* Regel et Schmalh., *F. angrenii* Korovin, *F. ovina* (Boiss.) Boiss., *F. dshizakensis* Korovin турлари учраб, муҳим хўжалик аҳамиятига эга.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Коровин Е.П. Иллюстративная монография рода *Ferula* L. (Tourn.) -Ташкент. 1947. 93 с.
2. Мелибаев С., Раҳманкулов У. Некоторые биологические особенности ферулы кухистанской // Узбек. биол. журн. -Ташкент. Изд. Фан. 1982. 2. -С. 36-38.
3. Пименов М.Г. Новый вид ферулы из подрода *Narthex* (*Falcon*) Drude // Бюлл. Гл. Бот. сада АН СССР. 1974. 94. -С. 54-58.
4. Эсанкулов А.С. Флора Зааминского государственного заповедника. Автореф. дисс. канд. биол. наук. -Ташкент. 2012. 21 с.

### ОҚ АМУР БАЛИГ'И-CTENOPHA RYNGODONIDELLA NING BIOLOGIYASI VA UNDA PARAZITLIK QILADIGAN AYRIM GELMINTLAR

<sup>1</sup>A.O' Sindorov, <sup>1</sup>G.M. Amonboyeva, <sup>2</sup>Q.A. Turatov  
<sup>1</sup>Jizzax davlat pedagogika instituti,  
<sup>2</sup>Jizzax Olimpiya zahiralari kolleji

Оқ амур балиг'и карпсимонлар oilasining bir turi hisoblanadi. Bu baliq Osiyo daryolari havzalari, Tich okeaniga kelib quyiluvchi daryo irmoqlarida, Xitoyning markaziy, janubiy, shimoliy qismlarida, Rossiyaning Amur daryosida kengtarqalgan. Vatani Amur va boshqa Uzoq Sharq daryolari hisoblanadi [1]. Оқ амур аквакультура obtekti sifatida iqlimashtirilgan. O'zbekistonga uningchavoqlarini birinchi bo'lib 1960-yillarda Moskva Davlat Universiteti, Ixtiologiyava gidrobiologiya kafedrasi olimlari G.V. Nikolskiy, V.B. Verigin, V.V.Vinogradov, I.A. Komilov GZRP Toshkent viloyati Yangiyo'l tumanigakeltirilgan. Asosan shimoliy Xitoydan Amur basseynidan keltirilib, hozirgiBaliqchidagi Chirchiq baliqchilik xo'jaligida boqilgan. T.B.Salixov 1984 yilAmudaryoda, 1990-yil A.A.Amonov Janubiy O'zbekiston suvliklarida,Amudaryoda, 1984-yil B.H.Haqberdiyev quyi Amudaryo suvliklarida oq amur havoqlarini kuzatishgan [2].

Оқ амур балиг'и илиқ сувни sevadi. Yirik, tez o'sadigan, tanasi torpedasimon,tangachalari yirik, daryolarda o'sadiganlari 1 m 22 sm, tirik vazni 32 kg, tabiiyhovuzlarda uzunligi 1 m, og'irligi 30 kg va undan ham ko'proq bo'ladi. Jinsiyetilishi Rossiyaning janubiy viloyatlarida 3-4 yoshida, Krasnodar o'lkasida 4-5yoshida, Moskva viloyatida esa 7-8 yoshida ro'y beradi. Serpushtligi 2 mln.

Ko'pincha 100000-800000 gacha uvuldiriq beradi, baliqlar uvuldiriqni aprel,avgust oylarida daryo o'zaniga tashlaydi. Baliq urug'i yopishqoq bo'lmaydi.O'zbekiston sharoitida urg'ochilari 4-5 yoshida uzunligi 55-65 sm (duminihisobga olmasdan) va og'irligi 3,5-4 kg bo'ladi, erkaklari 1 yil ertaroq yetiladi.Odatda, nasl beruvchilardan 5 yoshdan oshganda foydalaniladi. Tabiiy hovuzlarda1 mln tadan ko'p bo'ladi. Me'yoriy serpushtligi 500000



86	Z.A. Yangiboeva, U. Rahmonqulov, O.A. Bozorboyeva O'ZBEKISTONDA UCHRAYDIGAN KOVRAK ( <i>FERULA L.</i> ) TURLARINING BIOMORFOLOGIK HUSUSIYATLARI.....	255
87	Xurramov O.G., Islamov B.S. SAMARQAND VILOYATI SHAROITIDA GLYCYRRHIZA <i>GLABRA L.</i> NING BA'ZI BIOLOGIK XUSUSIYATLARI..	257
88	У.О. Худанов, Ш. Ўразов, Д. Умматова. ДУБЛЕНИЯ КОЖИ С ЭКСТРАКТАМИ ГРАНАДА.....	261
89	Х.Э. Эргашева, Н. Тождидинов. БЎЁҚ БЕРУВЧИ АЙРИМ ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	262
90	У.Н. Усанов, М.Р. Раҳимов, Ф.З. Халимов, Н.Умиров. КОВРАК ( <i>FERULA KUHISTANICA</i> ) ГЕНЕРАТИВ ОРГАНЛАРИНИНГ ЗАРАКУНАНДАЛАРИ ҲАҚИДА АЙРИМ МАЪЛУМОТЛАР.....	265
91	А.Ўролов., И. Маматкулова СОЯБОНГУЛДОШЛАР ОИЛАСИ АЙРИМ ВАКИЛЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ. <i>ELWENDIA VOISS.</i> ТУРКУМИ.....	268
92	М.А. Маматқобилова, О.Н. Авалбаев. ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ КЕМИРУВЧИЛАР ( <i>RODENTIA</i> ) ТУРКУМИ ГЕЛЬМИНТОФАУНАСИНИНГ ЭКОЛОГИК-ФАУНИСТИК ТАҲЛИЛИ.....	270
93	О.Н. Авалбаев, М.А. Маматқобилова, З. Марданов, Н.Ў. Эркинова. ЗОМИН ДАВЛАТ ҚЎРИҚХОНАСИ ҲУДУДИДА УЧРАЙДИГАН <i>FERULA L.</i> ТУРКУМИ ТУРЛАРИ.....	274
94	A.O' Sindorov, G.M. Amonboyeva, Q.A. Turatov. OQ AMUR BALIGЭ-I-СТЕНОРНА <i>RYNGODONIDELLA</i> NING BIOLOGIYASI VA UNDA PARAZITLIK QILADIGAN AYRIM GELMINTLAR.....	278
95	У. Раҳмонқулов, М.А. Халкузиева. <i>FERULA TADSHIKORUM</i> PIMENOV VA <i>FERULA FOETIDA</i> (BUNGE) REGEL ТУРЛАРИНИНГ ЛАТЕНТ ДАВРИ.....	280
96	D.I. Mustafaqulova, O.Q. Ismatullayev, Z.I. Qurbonbekova. SHIFOBAXSH DORIVOR ОЭСИМЛИКЛАРНИ ТАЙЙОРЛАШ, ҚУРИТИШ VA SAQLASH..	283
97	А.Б. Нозимова. ДЕКОРАТИВНЫЕ СВОЙСТВА ПАВЛОНИИ ВОЙЛОЧНОЙ.....	285
98	S.X. Mavlonova, G.B. Matmuratova, F.A. Norqulova. АРРАВОДИҲОННИНГ СИЗ ВИЛМАГАН АҲОЙИВ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	287
99	Г.Б. Матмуротова, Ф.А. Норкулова, М.Т. Жўракулова. СОЯ ЎСИМЛИГИНИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ АҲАМИЯТИ.....	289
100	А.Р. Батошов. ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ҚИЗИЛҚУМ ҚОЛДИҚ ТОГЛАРИ ЎСИМЛИКЛАР ҚОПЛАМИНИНГ ЎЗИГА ҲОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	293
101	Abrorova Maftuna. ANTIBIOTIC RESISTANCE.....	294
102	Х.Умурзакова, Ё.Қаюмова. ФАРГОНА ВОДИЙСИ ШАРОИТИДА АНОР БУТАСИНИНГ МУҲИМ ЗАРАКУНАНДАЛАРИНИНГ ЎЗИГА ҲОС БИОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	296
103	T.R. Shodmonov, A.M. Мардиев. ZOMIN DAVLAT QO'RIQXONASIDAGI ENDEM TURLAR.....	298
104	Ф.Т. Раббимова, Д.М. Махаммадиев, З.А. Алимухаммедова, С.Б. Норқўзиева. БИОЛОГИК ХИЛМА-ХИЛЛИКНИ САҚЛАШ ВА УНИ ҲОЗИРГИ КУНДАГИ ЎРНИ.....	300